ШИРАЛАРНИНГ ОЗУҚА ЎСИМЛИКЛАРИГА МОСЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

А.ҲУСАНОВ

В статье приведены результаты стационарных наблюдений над дендрофильной тлёй, проведенных в 2005-2009 гг. на территории Южной Киргизии

In this article there is given the results of static observation of Aphids which live inside of the trees in 2005-2009 in the South of Kyrgizistan.

Энтомологиянинг бўлими – афидология шираларнинг тузилиши, биологияси, экологияси ва зоогеографик тарқалишини ўрганувчи фан ҳисобланади. Афидологияда ҳақиқий шираларни озуқа ўсимликларига ихтисослашиш хусусиятларига асосан тирик туғувчи-тухум қўювчи гуруҳи йўналишига мувофиқ ўрганиш таклиф этилган [1;23]. Бу йўналиш асосида 6 та тип бўйича таҳлилий хулосалар қилиш мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб 2005-2009 йиллар давомида муаллиф томонидан Жанубий Қирғизистон ҳудуди афидофаунасидан йиғилган намуналар мақоладаги натижаларга асос бўлди.

Ривожланиши асосий озуқа ўсимлигида ўтадиган, миграция қилмайдиган турлар ушбу гуруҳнинг 1-типи саналади.

Бу гуруҳга ривожланиш тараққиёти асосий озуқа ўсимлигида ўтувчи бир уйли миграция қилмайдиган шира турлари киради. Ушбу шираларнинг охирги авлодларида аксарият ширалар учун хос бўлган хусусият – тирик туғишдан икки жинсли авлодлар орқали кўпайишга ўтиш кузатилади. Қанотли ширалар миграцияси бу гуруҳда ҳам ўзига хос аҳамиятли бўлиб, шираларнинг айни озуқа ўсимлигининг бошқа қисмларига ёки систематик жиҳатдан яқин бўлган ўсимликларга кўчиб ўтиши кузатилади. Бундай ривожланиш тараққиёти новдада, асосий озуқа ўсимлигининг ёш новдаларидаги баргларида, барглардаги галларда ва илдизда яшовчи ширалар учун хосдир. Қанотсиз эркак ва урғочи шираларнинг бўлиши бу гуруҳ учун характерли хусусиятлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги типга қуйидаги кичик гуруҳларни мисол қилишимиз мумкин:

а) озуқа ўсимлигининг барг, новда ва илдизларининг ўсишдан тўхтаган даврида тирик туғишдан икки жинсли авлод орқали кўпайишга ўтувчи миграция қилмайдиган ширалар.

Бу гуруҳга қуйидаги шираларни киритиш мумкин: *Aphis farinosa, Semiaphis lonicerina, Brevicoryne shaposhnikovi, Aphis fabae, Aphis pomi De Geer, Hyalopterus pruni, Melanoxantherium salicis;*

б) галл ҳосил қилувчи миграция қилмайдиган шираларга эса *Eriosoma lanuginosum, Eriosoma ulmi, Pemphigus populi, Pemphigus immunis, Pemphigus populinigrae, Pemphigus protospirae, Pemphigus bursarius, Pemphigus napaeus, Pemphigus vesicarius* каби турлар мансуб бўлиб, улар галл ҳосил қилади, бироқ бошқа озуқа ўсимлигига кўчиб ўтиши кузатилмайди;

в) нинабаргли дарахтларда яшаб, миграция қилмайдиган 1 уйли ширалар гуруҳига *Cinara piceae, Cinara pilicornis, Cinara pinicola, Cinara tujafilina, Eulachnus alticola* ва *Eulachnus tauricus* кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ;

г) *Anoecia corni, Anoecia zirnitsi*, *Anoecia pscovica* шираларини миграция қилмайдиган илдиз ширалари гуруҳига киритиш мумкин.

Ривожланиш тараққиёти асосий озуқа ўсимлигида борадиган ва озиқланиш

жойини айнан ана шу ўсимликнинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўзгартирувчи, миграция қилмайдиган заранг ширалари эса II типга мансуб ҳисобланади.

Бу типга мисол қилиб *Periphyllus mamontovae,Periphyllus nevskyii, Aphis punicae* ва *Acyrthosiphon caraganae* каби ширалари киритиш мумкин.

III тип ёзги диапаузада бўлувчи миграция қилмайдиган ширалар, яъни *Aphis ruborum, Aphis cytisorum, Liosomaphis berberidis, Liosomaphis turanica, Periphyllus mamontovae, Periphyllus nevskyii* турларини ўз ичига олади.

Ривожланиш тараққиёти асосий ўсимликда ўтувчи ва айни шу ўсимликнинг ўзида озиқланиш жойини ўзгартириб турувчи, миграция қилмайдиган шира турлари IV типга мансуб бўлиб, қуйидаги турларни қамраб олган: *Cinara piceae, Cinara pilicornis, Cinara pinicola, Cinara tujafilina, Eulachnus alticola, Eulachnus tauricus*.

V типга мансуб ширалар уч гуруҳга ажралади:

а) қонуний миграция қилиб, асосий озуқа ўсимлигидан оралиқ ўтчил ўсимликларига кўчиб ўтувчи ширалар гуруҳига *Myzus persicae*, *Cryptomyzus asiatica*, *Dysaphis plantaginea, Dysaphis pyri* каби турларни олиш мумкин;

б) типнинг галл ҳосил қилувчи, асосий озуқа ўсимлигидан оралиқ ўсимликнинг илдизига ва илдиз бўғзига миграция қилувчи гуруҳ *Anuraphis subterranea, Rhopalosiphum insertum, Dysaphis affinis* ширалларни ўз ичига олади;

в) бошоқдошларнинг ернинг устки қисмларига миграция қилувчи шира турларига эса *Rhopalomyzus lonicerae, Rhopalosiphum padi, Hyalopterus pruni, Anoecia corni* кабиларни киритиш мумкин.

VI тип ҳам, ўз навбатида, қуйидаги икки кичик гуруҳга ажралади:

а) оралиқ озуқа ўсимликлари саналувчи дарахт, бута ва бошоқдошларнинг илдизига миграция қиладиган галл ҳосил қилувчи шира турларига мисол қилиб *Prociphilus xylostei, Eriosoma lanigerum, Eriosoma lanuginosum, Eriosoma ulmi, Tetraneura caerulescens, Tetraneura ulmi, Kaltenbachiella pallida* кабиларни киритиш мумкин;

б) икки йиллик ривожланиш циклига эга бўлган миграция қилувчи писта ширалари. Мазкур гуруҳга тадқиқотлар олиб борилган ҳудудда ўсувчи писта шираси (*Forda hirsuta)*ни киритиш мақсадга мувофиқ.

Демак, ширалларнинг озуқа ўсимлигида жойлашиши ривожланиш тараққиётининг биологик ва экологик хусусиятларини ҳамда ширалар миграцияси, уларнинг эволюцияси ва тараққиётини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Попова А.А. Типы приспособлений тлей к питанию на кормовых растениях. Изд. «Наука», Ленинградское отд., Ленинград 1967

2. Ахмедов М.Х. Дендрофильные тли Западного Тян-Шаня (фауна, формирование и зоогеографические особенности). Автореф. дисс... канд. биол.наук.- Баку, 1980.- 26 с.

Андижон давлат университети
2010 йил 1 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.Ҳ.Аҳмедов)